

Сиёсий бошқарувда аёлларнинг фаоллашувига қўшимча рағбат керакми?



2-бет

Хусусий туғуруқхоналар очилади



5-бет

Солиқ тўлашда кимларга имтиёз бор?



6-бет

Даромад солиғи нега қайтарилди?



8-бет

ИНСОН ҚОНУН ва

11 6 (1198) www.insonvaqonun.uz insonvaqonun@adliya.uz
 АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



ОСМОН ТИМСОЛИ

*Ой-юлдуз қўнган юртим байроғи,
 Маҳон айвониди қадамларим
 Темурий доғруғим кеманди қайтиб,
 Бунё салом берди номини айтиб.*

*Қарасақ, ша-но-ни уйғотган осмон
 тийисо-ли шод этар қароғилғизни.
 Марвардитор, доғим баландда асра,
 Ерга туширмани байроғилғизни...*

Қўғқор НОРҚОВИЛ

Бунақаси ҳали бўлмаганди!

ЖИЗЗАХДА ЭНГ УЛКАН БАЙРОҚ

Байроқ ҳар бир давлатнинг фахру ифтихори тимсоли саналади. Байроқ туфайли юрагинг юксалади, қаддинг янада баланд бўлади. Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан эксклюзив янгиликка қўл урилди. **18 ноябрь — “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”**ги Қонун қабул қилинганлиги кунига бағишланиб вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси ва бошқа идоралар ҳамкорлигида Темурийлар дарвозаси атрофида узунлиги **90**, эни **60** метр бўлган байроқ тортилди.

Ёшлар, ҳарбийлар, спортчилар иштирокида амалга оширилган бу тадбир барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларини боғлаб турувчи халқаро аҳамиятга эга М 39 йўлидан ўтаётган юртдош-

ларимиз ва чет эллик меҳмонлар ҳам бевосита бу акцияга жуда катта қизиқиш билдирди.

Тадбир доирасида машина ва автобус ҳайдовчиларига байроқчалар ҳам совға қилинди.

Тадбир Жиззах шаҳридаги Ўрда экологик боғида давом этди. Унда миллий рамзларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш бош мақсад бўлди. Ёшларнинг бу борадаги билимларини ошириш мақсадида викторина саволлари тузилди ҳамда фаол иштирок этганлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Жиззахга зеб берган гўзал байроғимиз, миллий рамзларимизга кўрсатилган ҳурмат ёшлар хотирасида унутилмас фахрли ва ифтихорли кун сифатида муҳрланиб қолади.

Шароит яратиб берилса ва ҳуқуқлари таъминланса

ОАВ — энг тезкор, ҳозиржавоб ва ҳаққоний назоратчи

ИСЛОҲОТЛАР даврида оммавий ахборот воситалари энг кўп ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бугун мамлакатимизда сўз эркинлиги ва ахборот соҳасидаги ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда.

Сайловларнинг очик, шаффоф, демократик тамойилларга мос тарзда ўтишини оммавий ахборот воситалари иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. ОАВ — энг тезкор, ҳозиржавоб ва ҳаққоний назоратчи, агар унга етарли шароит яратиб берилса ва ҳуқуқлари таъминланса.

Ўзбекистон қонунчилигида сайловларда ОАВнинг иштироки масаласи қандай тартибга солинган?



2-бет



ҚОНУНЛАР ҲАЁТИЙМИ?!

БУНИ БАҲОЛАШ НЕГА МУҲИМ?

АДЛИЯ вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтида қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш даражаси ўрганилди.

Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги Фармонида мувофиқ қонун ҳужжатларини тадбиркорлик фаолияти субъектларига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсирини баҳолаш учун яхлит илмий, назарий ва услубий методологияни ишлаб чиқиш, 2019 йил 2 ноябрдаги Қарорига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизимини жорий этиш назарда тутилган.

Қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш — бу ваколатли органлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи ва қўшимча чекловлар, талаблар ва мажбуриятларни амалга киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини методика асосида баҳолашдир.

3-бет

Шароит яратиб берилса ва ҳуқуқлар таъминланса



Худоёр МЕЛИЕВ,
Адлия вазири ўринбосари

Ушбу масала юзасидан олиб борилган таҳлилларга кўра, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сайлов олдди ташвиқот, сайлов жараёни ва натижаларини ёритиш ҳамда сўз эркинлигини таъминлашда етарли имкониятлар яратилганини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Конституциянинг 67-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари сайловларда эркин, ҳеч бир

тўсиқсиз иштирок этади.

Сайлов кодексининг 8-моддасига кўра, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов комиссиясининг мажлисларида сиёсий партиялар, ОАВ вакиллари, фуқароларнинг ўзи-

ни ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, ОАВ вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди.

вакиллари Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказилади.

Кодекснинг 46-моддасига кўра, ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Давлат оммавий ахборот

Қонунчиликка мувофиқ, ОАВ вакиллари сайлов жараёнини кузатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Амалиётда ОАВ вакиллари, журналистлар эркин фаолият кўрсатади. Маълумотларни олиш, тарқатишда ҳеч бир тўсиқлар мавжуд эмас.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда ОАВ вакиллари иштирок этади.


Сайлов комиссиясининг мажлисларида ОАВ вакилларининг ҳозир бўлиши учун шароит яратилган.

Сайлов натижалари ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида, улар орқали эълон қилинади.

Ахборот воситалари орқали фикрлар хилма-хиллиги ифода этилган ҳақиқий сиёсий баҳс-мунозараларни олиб бориш учун барча шароитлар таъминлаб берилган.

Ташвиқот тадбирлари давомида номзодлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ўртасида ошкор баҳс-мунозаралар ўтказиш учун шароитлар яратилган.

Сайловлар ҳақида оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, газета, журналлар, интернет веб-сайтлари ва блоглар орқали турли фикрдаги ахборотлар тарқатилиши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ.



Сайлов кодексининг 35-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида, шу жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

ОАВ вакиллари ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Бошқа давлатларнинг ОАВ

воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилади.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилади.

ОАВ томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Ташвиқот мақсадида ОАВдан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда тегишли сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

МАМЛАКАТИМИЗДА сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар аёллар масаласига ҳам дахлдор экани маълум. Хусусан, "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Аёлларга овоз бериш ҳуқуқи таъминланиши инсоният тараққиётини янги bosқичга олиб чиққани ва демократиянинг юксак қадриятларидан бири сифатида тан олингани барчамизга маълум.

Бугун Ўзбекистонда аёлларнинг сиёсий фаоллашуви, сиёсатда гендер тенглик масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бизда аёлларнинг овоз берувчи, яъни сайловчи сифатида ҳуқуқлари ва имкониятлари эркеклар билан тенг экани шубҳасиз ва бу борада ҳеч муаммо йўқ. Аммо сайланиш масаласида, хусусан, сиёсий бошқарув жараёнларида аёлларнинг фаоллашувига қўшимча рағбат ва туртки лозимлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шуни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда аёлларнинг давлат бошқарувида сиёсий иштироки, сайлов ҳуқуқларининг амалга оширилиши кафолатлари бўйича миллий қонунчилик ва амалиёт таҳлил қилинди.

Таҳлиллар аёлларга сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун эркеклар билан тенг имкониятлар яратилганини кўрсатди.

Конституция, "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, Сайлов кодекси ва бошқа қатор ҳужжатлар,



Сиёсий бошқарувда аёлларнинг фаоллашувида қўшимча рағбат керакми?

депутатларининг 23 фоиздан кўпрогини аёллар ташкил этади.

Мамлакатнинг давлат ва жамоат ташкилотларида 1 400 нафардан ортиқ аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларида аёллар улуши 82 фоиздан ошади, фан, таълим ва тарбия, маданият ва санъатда 72 фоиз, қишлоқ хўжалигида 45 фоиз, саноатда 38 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 388 нафар аёллар раҳбарлик лавозимларида, шу жумладан, вазирлик, идораларда 45 нафар, Президент Администрациясида, Вазирлар Маҳкамасида, Сенатда ва Қонунчилик палатасида 39 нафар, жамоат ташкилотларида — 22, маҳаллий ҳокимликларда — 207, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибида — 1 075, суд тизимида — 1 208 ҳамда 9 мингдан ортиқ аёллар маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис сифатида ишлайди.

Юқорида қайд этилган фактлар аёлларнинг сайлов ва бошқа сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қонунчилигимизда етарли ҳуқуқлар белгилаб берилганининг яққол исботидир.

жинсидан қатъи назар, ҳар бир фуқарога сайлов жараёнида тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

Хусусан, Сайлов кодексига кўра, депутатликка кўрсатилган номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини аёллар ташкил этиши керак.


Юқорида қайд этилган қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан аёллар амалда ҳеч бир тўсиқсиз фойдаланмоқда.

Жумладан, аёлларнинг сайлов бошқарув маъмуриятида иштироки етарли даражада таъминланган. Хусусан, Мар-

казий сайлов комиссияси аъзоларининг 21 нафардан 7 нафари аёллардан иборат.

Вазирлар Маҳкамасида аёллар 6,5 фоизни, маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарлари орасида 15,3 фоизни, вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ва идоралар таркибидаги юқори раҳбар лавозимларда 10 фоизни, ўрта бўғинда 24 фоизни ташкил этади.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоиз, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоиз, маҳаллий кенгаш



Бугунги кунда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш Вази́рлар Маҳкама-сининг 2014 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, рақобатга таъсирини баҳолаш эса Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш Методикаси асосида тартибга солинади.

ҚОНУНЛАР ҲАЁТИЙМИ?!

»»»» БУНИ БАҲОЛАШ НЕГА МУҲИМ?

ҚОНУНЛАРНИНГ БАҲОЛАНИШИ ШУ ҚАДАР МУҲИММИ?

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА

ХУЛОСА ЎРНИДА

ҚОНУНЛАРНИНГ БАҲОЛАНИШИ ШУ ҚАДАР МУҲИММИ?

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 20 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатдан иборат бўлиб, ҳар йили ўртача 1 мингга яқин ҳужжат қабул қилинади.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг тартибга солиш самарадорлиги, ўз навбатида, норма ижодкорлиги фаолиятини сифатли амалга оширилишига узвий боғлиқ. Демак, қонун ҳужжатларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш учун нормалар ваколатли орган томонидан баҳолашни, яқиний хулоса мажбурий тусга эга бўлишини махсус қонун ҳужжати билан белгилаб қўйиш зарурдир. Бунинг учун эса хорижий мамлакатларда махсус қонунлар асосида ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган қонун ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини республикамизда ҳам жорий этиш лозим.

Қонун ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг долзарблиги қуйидаги муаммолар мавжудлиги билан асосланилади:

- умумий тусга эга бўлган қонунларнинг қўллиги, масалан, 2014 йил 25 сентябрдаги "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш умумий тартибда белгиланган бўлиб, амалиётда бундай имтиёзлар қўлланилмаслиги;
 - қонунларда ортиқча тартибга солишга олиб келувчи ҳаволаки нормалар ҳаммининг қўллиги, яъни ижтимоий муносабатларни асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши, масалан, 2013 йил 27 декабрдаги "Экологик назорат тўғрисида"ги 27 моддадан иборат Қонунда ўндан зиёд ҳаволаки нормалар келтирилган бўлиб, бу соҳа асосан қонуности нормалар билан тартибга солиниши;
 - қонун ҳужжатларининг амал қилиш мuddатлари қисқарганлиги, яъни айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганга бир-икки йилдан қўл бўлмаган мuddатда янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқиладигани ҳамда амалдаги қонун ҳужжатининг бекор бўлиш ҳолатларининг кўпайганлиги, масалан, 2018 йил 9 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан бир йил ўтиб, Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси жорий йилнинг 17 июлида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига regulation.gov.uz га жойлаштирилган;
 - қонун ҳужжатларининг ижросини таъминламаслик ҳолатлари, яъни ҳуқуқий норманинг ижро этиш механизмлари яратилмаганлиги, масалан, 2018 йил 12 апрелдаги "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси жамоатчилик экспертизаси тўғрисида бўлиб, бундай экспертизани ўтказиш тартиби ва усуллари берилмаган.
- Норма ижодкорлигида мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солишнинг салбий амалиёти давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

харажатларнинг стандарт модели

business effects analysis

"ex ante", "ex post" методлари

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА

Хориж тажрибасини ўрганиш шунинг кўрсаткичи, аксарият мамлакатларда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш ваколатли органлар томонидан турли методлар асосида амалга оширилади. Хусусан:

Буюк Британияда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими 1998 йилдан бошлаб тўлақонли жорий этила бошланди. Ҳозирги кунда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш сифатини таъминлаш бўйича асосий масъулият ижро этувчи ҳокимият таркибига кирувчи ваколатли орган Қонун ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш қўмитаси (Regulatory Impact Unit, RIU) зиммасига юклатилган.

Инглиз ҳуқуқида "method of ex post" орқали баҳолаш тизими хатоларни аниқлашга ёрдам беради ва шу орқали таҳлил методологияси такомиллаштирилади. "ex post" методи қонун ҳужжатлари таъсирини тизимли баҳолашда қўлланилади. Post-Legislative Scrutiny қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалиётда қандай ишлаётганлигини ўрганиши назарда тутилган. Мазкур функция Парламент Вакиллар палатаси қў-

ТАВСИАЛАР

Қонун ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиётини жорий қилиш ҳамда ваколатли орган томонидан мазкур услубиёт асосида баҳолашни амалга ошириш учун қуйидаги тавсиялар илгари сўрилади:

- қонун ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг институционал тузилмасини ташкил қилган ҳолда, унинг асосий фаолият йўналишларини, вазифа ва функцияларини белгилаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларини ҳар уч йилда хатловдан ўтказган ҳолда ваколатли орган ташаббусига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига, жамоатчилик назорати субъектларининг тақлиф ва тавсияларига, оммавий ахборот воситалари орқали ўрганилган ёки чоп этилган бошқа материалларни ўрганиб чиқиш натижаларига асосланиб;
- қонун ҳужжатлари лойиҳаларини уларни қабул қилувчи органларга киритишда мажбурий тартибда лойиҳалар юзасидан тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг тўғрисидаги хулоса илова қилиниши назарда тутилган тартибни жорий қилиш;
- мамлакатимиз норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қонун ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиётини махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан жорий қилиш мақсадида мувофиқдир.

миталари томонидан амалга оширилади. "ex post" методи таҳлили тўғрисидаги ҳисобот чоп этилиши ва парламента тақдим этилиши шарт. Post-implementation review — амалдаги қонуности ҳужжатлари таъсирининг тизимли таҳлилдир. Post-implementation review ишлаб чикувчи томонидан тайёрланади ва келишиш учун RIUга тақдим этилади.

Нидерландияда қонун ҳужжатларининг бизнесга таъсирини баҳолашнинг "business effects analysis" методи жорий этилган бўлиб, бу метод асосида қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг бизнесга таъсирини самарадорлиги баҳоланади. Баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулоса ҳукумат ҳузурида фаолият юритадиган эксперт кенгаши томонидан берилди. Мазкур хулосага мувофиқ лойиҳадаги бизнес самарадорлигини пайсаяишига сабаб бўлувчи нормалар ишлаб чикувчи орган томонидан тахрир қилинади.

Германияда 2006 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини баҳоловчи Миллий Кенгаш (NKR, Nationaler Normenkontrollrat) тузилган. Миллий Кенгаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари учун "харажатларнинг стандарт модели" ни тақлиф этади. Кўриб чиқилган қонун ҳужжатларини қайтариш ваколатига ҳам эга ҳисобланади.

Францияда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш "ex ante", "ex post" методлари асосида амалга оширилади. Бунда ҳукумат таркибиде фаолият юритувчи қонун ҳужжатлари таъсирини баҳоловчи департамент томонидан "ex ante"

методи асосида қонун ҳужжатлари лойиҳалари таҳлил қилинади, сўровлар ўтказилиб прогнозлаш орқали уларнинг амалга киритилиши, яъни ҳуқуқий тартибга солиш оқибатида бизнес фаолиятида ҳамда маъмурий органлар фаолиятида юзага келадиган харажатлар баҳолашнинг хулоса қонун лойиҳасини киритган субъектга тақдим этилади. Баҳолаш хулосаси олингандан кейин қонун лойиҳалари парламента муҳокамасига тақдим этилади.

Финляндияда 2006 йилда "Қонун ҳужжатларини, тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисида"ги ҳукумат қарори қабул қилинган. Қонун ҳужжатларининг давлат бюджетига, иқтисодиёт, ижтимоий ва меҳнат ресурслари, атроф-муҳит, жамият ва соғлиқни сақлаш, худудлар ривожланиши ва гендер тенглиги кабиларга тартибга солиш таъсирини баҳолашда "partial analysis" методидан фойдаланилади. Қонун ҳужжатларининг бюджетга, иқтисодиётга, атроф-муҳит, жамият, соғлиқни сақлаш соҳаларига таъсирини баҳолашга қаратилган алоҳида ҳуқуқий механизмлари мавжуд. Бу механизмлар бир-бири билан боғлиқ эмас, chunki тартиб-таомиллар ҳар-хил вазирликлар томонидан амалга оширилади.

Биз таҳлил қилган Европа мамлакатларида ваколатли органлар тақдим қиладиган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини таъсирини баҳолаш ва фуқароларнинг жамоавий мурожаатлари асосида амалдаги қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашдан иборат жараёнлар жорий этилган.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Мамлакатимиз норма ижодкорлигидаги мавжуд ҳолатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонининг тобора ортаётганлиги, амалдаги ҳамда қабул қилиниши кўзда тутилмаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг иқтисодиётга, тадбиркорлик фаолиятига, инвестицияларни жалб этишга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсирини баҳолаш услубиётини яратиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, республикамиз норма ижодкорлигида "Қонун ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиётини"ни жорий этишни тақлиф қиламиз. Мазкур услубиётни амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолашда қўллаш мумкин. Баҳолаш тадбиркорлик фаолияти ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини беvosита ёки билvosита чеклаши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда тегишли чоралар қўриш мақсадида амалга оширилади.

Дилдора АНВАРОВА,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сибсат тадқиқот институти масъул ходими

ЯИДХП ҲАҚИДА НИМА БИЛАМИЗ? НЕГА ИМКОНЯТДАН ФОЙДАЛАНМАЙМИЗ?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, давлат хизматлари кўрсатиш механизминини соддалаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП, деб аталади) ташкил этилган. Ушбу портал орқали давлат хизматлари кўрсатувчи идораларга мурожаат қилган шахсларга жойига шахсан бориб тўланадиган тўловга нисбатан камроқ тўлаш имконияти, яъни имтиёз бериш орқали қўлайликлар яратилган.

Амалийётда эса аҳоли бу имтиёزلардан фойдаланишга эътибор бермапти, давлат хизматлари марказларига келган фуқароларнинг кўп вақт кутиб қолиши ва навбатлар каби салбий оқибатлар юз берапти.

Ўтган тўққиз ойда давлат хизматлари марказларига бир кунда 3 минг 237 та мурожаат шахсан келиб топширилган ва вилоятдаги мавжуд 22 та туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларида кунига ўртача 147 тадан мурожаат кўриб чиқилган, яъни ўртача шунча киши навбатда турган.

Ҳар бир мурожаат қилувчига 15 дақиқадан хизмат кўрсатилгани ҳисобга олинмайдиган бўлса, кутуш учун йўқотишган вақт, кўрсатилган хизмат учун белгиланган давлат божини 90 фоиз ўрнига 100 фоиз тўлаш каби навбатда турувчининг маънавий ва моддий манфаатларига, албатта, таъсир кўрсатади.

Шуниси таажжублики, жорий йил тўққиз ойида давлат хизматлари марказларига мурожаат қилган шахсларнинг 116 минг 964 нафари (жами мурожаат қилганларнинг 15,2 фоизи)га давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо сертификати берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги қарори билан Электр энергиясини ҳисобга олиш ўсқунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатилган бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий Регламенти тасдиқланди.

Ушбу Регламентнинг 16-бандига кўра, давлат хизматини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, мазкур Маъмурий Регламентнинг 15-бандига кўрсатилган йиғимлар, жисмоний шахслардан (маиший эҳтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслардан ташқари) базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи, яъни 44 минг 600 сўм ўндирилади, мазкур портал орқали мурожаат қилган шахс эса ушбу маблагнинг 90 фоизи, яъни 40 минг 140 сўм тўлаб, 4 минг 460 сўм фойда қилади ҳамда ортқича вақт сарфламайди.

Ёки Ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридан (маиший эҳтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслар учун) базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорига йиғим ўндирилиши ҳисобга олинган ҳолда унинг 90 фоизи тўланса, 3 минг 345 сўмдан тежалди, шунингдек, юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари ёки 334500 сўм миқдорига йиғим ўндирилиши ҳисобга олинган ҳолда унинг 90 фоизи тўланса, 33 минг 450 сўмдан тежалди.

Бунда ҳисобга олиш ўсқунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатилган бўйича бир вақтда мурожаат қилинганда йиғим суммаси бир марта ўндирилади. Мазкур йиғим суммасини ўндиришда эса ЯИДХП орқали ариза берган шахсга юридаги каби имтиёз берилади.

Давлат хизматлари марказларига судланганлик ҳақида маълумотнома бериш бўйича 24 минг 847 та, тураржой тоифасидаги кўчмас мулк объектлари бўйича кадастр хизматини кўрсатиш тўғрисида 3 минг 780 та ариза берилган бўлиб, бирорта шахс бу масалада ЯИДХП орқали ариза бермаган.

Ваҳоланки, ушбу масалаларда давлат хизматлари марказларига судланганлик ҳақида маълумотнома бериш бўйича ўзи келмасдан ЯИДХП орқали ариза берганда 22 минг 300 сўм ўрнига 20 минг 070 сўм тўланар эди. Шунингдек, тураржой тоифасидаги кўчмас мулк объектлари бўйича кадастр хизматини кўрсатиш бўйича ўндириладиган йиғимларнинг тўланишида ҳам 10 фоизлик имтиёздан фойдаланган бўлар эди.

Хулоса ўрнида шунга таъкидлаш жоизки, яратилган қўлайлик ва берилган имтиёزلардан самарали фойдаланиш лозим, зеро "Вақтинг кетди, нақдинг кетди", деб бекорга айтилмаган.

Умўроқали БЕРДИЕВ,
Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент
вилояти бошқармаси бош маслаҳатчиси

АДВОКАТУРА

СОҲАДАГИ МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР МУҲОКАМАДА

Адвокатура институти нима?



Элдор МАҲКАМОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи
ўринбосари:

— Адвокатура институти фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот ҳисобланади. Президентимиз ушбу соҳадаги камчиликларга алоҳида тўхталиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган йўналишларни белгилаб берган эди.

Адвокатура соҳасида суриштирув ва тергов органлари ходимларининг адвокатларимиз фаолиятига турли хил йўللار билан тўққинлик қилиш, уларнинг ҳимоясидаги шахслар билан учрашишларига ҳалал

бериш каби муаммолар бор эди. Ана шу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ҳар бир вилоятда ишчи гуруҳ тузилди ва суриштирув-тергов ходимлари ўртасида семинар ўтказилди. Бундан ташқари, тергов ҳибсхоналарида адвокатлар билан уларнинг ҳимоясидаги шахсларнинг учрашувлари учун шароитлар яратиб бериш масаласи ҳам Президент Фармонида белгиланган эди. Ички ишлар вазирлиги томонидан 69 турдаги бундай муассасаларда учинчи шахслар иштирокисиз, аудио қўрилмасларсиз, фақат визуал кўришиш хоналари берилди.

Бундан ташқари, адвокатлар фаолиятини лицензиялаш тизимида ҳам муаммолар бор эди. Амалдаги тартибга кўра, қонунга ўзгартириш киритилди. Унга кўра, адвокатнинг лицензияси фақатгина Адлия вазирлиги мурожаат асосида суд тартибидан тугатиладиган бўлди.

Энди адвокат сўровида муаммо бўлмайди



Шухрат СОДИҚОВ,
Адвокатлар палатаси
раиси биринчи
ўринбосари:

— Илгари адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда адвокат сўрови масаласида муаммолар бўлар эди, эндиликда бу бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилди. Вақтида жавоб берилмаса, суд томонидан жавобгарлик масаласи кўриб чиқирилиши ҳам белгиланди.

Адвокатлар палатаси раиси Бош прокурор, Олий суд раиси билан ҳам учрашди. Тўғриси айтиш керак, ҳамма судларда ҳам етарли шароит йўқ. Баъзи судьяларнинг ўзига жой йўқ, шу сабаб адвокатга жой қилиб бера олмайди. Айрим судларда мана адвокатлар хонаси, деб эртаси куни олиб қўйилган ҳолатлар ҳам бўлди.

Адвокатлар палатасининг автономлиги, яъни мустақиллиги, шунингдек, ўтган ой Ўзбекистонга келган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан берилган тавсиялар бўйича қилинган ишлар юзасидан мутасаддиларга савол билан мурожаат қилинди.

Биз ҳам бу масалага кенгроқ ёндашмоқчимиз. Худудлардаги адвокатлар палатаси бошлиқлари раис томонидан тайинланади. Уни тўғридан-тўғри адвокатлар томонидан сайланишини, хорижий тажрибани имплементация қилиш масаласини кўриб чиқаялмиз.

Янги солиқ қонунчилиги кўра, нисбатан ўзимизнинг эътирозимизни билдирдик, қатъий позициямизни кўрсатдик. Асослан-тирилган ҳолда, Молия вазирлигига, солиқ кўмитасига, Адлия вазирлигига, депутатларнинг масаласига ҳам мурожаат қилдик.

Ҳозирда 4 минг нафар адвокат орасида 30 ёшгача бўлганлари атиги 70 нафарни ташкил этади. Бу ҳам соҳамизда кадрлар масаласида ҳали муаммолар борлигини кўрсатиб турибди. Адвокатлар палатаси ҳузурида талабалар учун клуб очганмиз. Клубда таҳсил олаётган Тошкент давлат юридик университетининг 15 нафар талабаси адвокат бўлиш истагини билдирапти. Лекин уларга "2 йил сенга иш бера олмайман", деганимиздан кейин уни бошқа иш беришчи олиб кетади. Шу тариха ёш кадрларни ҳам йўқотишимиз мумкин. Янги қонунда бу тўсиқни олиб ташлашимиз ва умид қилаймизки, адвокатлар соани ортади.

Энди тергов ҳибсхоналарида ҳам адвокатлар учун шароитлар яратилган. Илгари мижоз билан адвокат учрашадиган хонада камера қўйилган. У видео ва аудио ёзар эди. Энди учрашув хонасида камера йўқ, аудио-видео ёзувлар бўлмайди. Бу каби тизимли муаммоларнинг кўпи ўз ечимини топди.

Адвокат имконияти нимада?



Малика МАЗБУДОВА,
"Шайхонтоҳур ҳуқуқий
ҳимоя" адвокатлик
фирмаси адвокати:

— Бугунги йиғилишимизда амалиётда учрайдиган жиддий камчиликлар кўриб чиқилди. Фармон талабларидан келиб чиқиб бажарилиши кўзда тутилган ишлар муҳокама қилинди. Масалан, ҳозирда адвокатлар ўзининг мустақил фикрини прокурор билан биргаликда баён эта олади. Бундан ташқари, иш материаллари билан тўлиқ танишиб, мижози билан бемалоп гаплашиб, кўришиб, учрашиб ҳуқуқи бор. Суднинг ҳар тарафлама шаффоф бўлиши учун адвокатларга анча имкониятлар берилган. Суд процессига тайёргарлик кўриш учун республика бўйича мавжуд суд биноларида адвокатлар учун алоҳида хона ажратилди. Адвокатларнинг суд биносида компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларидан ҳеч бир монеликсиз фойдаланиши йўлга қўйилди. Адвокатлар томонидан давлатлар органларида тўғридан-тўғри ҳамда ваколатли органлар орқали сўровлар юбориш тартиби йўлга қўйилди.

Мадина ҲАМДАМОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

2019 йил 7 ноябрда “Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан божхона тўловларида маълум тартибларни ўзгариштириш назарда тутилмоқда. Божхона постларидаги тартибсизликлар, фуқароларнинг узоқ вақт навбатда туриб қолишлари каби муаммоларни бартараф этиш ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Божхона тўловларида қандай ўзгариш бўлади?

Яъни, божхона пости орқали олиб ўтилаётган буюмлар ва маҳсулотларнинг турига қараб улардан алоҳида-алоҳида солиқлар ва божлар ундирилиши ҳам божхона ходимларининг ҳам фуқароларнинг кўп вақтини олар эди. Шу сабаб бу борада содда бир тартиб керак эди. Янги тартибга кўра, барча товарларга ягона божхона тўлови жорий этилади. Аммо ёдда тутиш керакки, бу тадбиркорлик фаолиятига мутлақо тааллуқли эмас. Гап фақат шахсий эҳтиёжлари учун жисмоний шахслар мамлакатимизга олиб кирадиган товарлар учун ундириладиган тўловлар ҳақида кетаяпти.

Демак, ушбу Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 январдан божхона тўловларида қуйидаги тартиблар амал қилади:

- нотижорат мақсадлар учун Ўзбекистоннинг Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари орқали кўл юкида ва кузатиб борилаётган бағажда товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун, шунингдек, жисмоний шахс номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келадиган товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўлови ундирилади;
- жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун божхона чегараси орқали кўл юкида, кузатиб борилаётган бағажда, шунингдек, почта жўнатмалари орқали олиб кирадиган ҳайвонотга мансуб озиқ-овқат маҳсулотларида ишлаб чиқариш ўрнининг мажбурий мавжудлиги талаб этилади.

Шунингдек, янги тартибга мувофиқ, божхона тўловлари ундирилмайдиган товарлар жисмоний шахслар томонидан республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортан тақдирда, ягона божхона тўлови Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият қатары номенклатураси кодидан ва келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товарларнинг барча тоифалари бўйича божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда, чекланган меъёрлардан ортиқ қисмига нисбатан ундирилади.

Ягона божхона тўлови ставкаси эса қуйидагича тасдиқланди:

- товарнинг божхона қийматидан 30 фоиз, лекин ҳар бир килограмми учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда.

Мазкур Қарор билан Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун олиб кирадиган товарлар тоифасига кирмайдиган товарлар рўйхати ҳам тасдиқланди. Бу рўйхатда ички ёнув двигателлари, тиббиёт ускуналари ва жиҳозлари, сартарошхона мебеллари ҳамда тангалар, бакноталар ва жетонларга ўхшаш турли тўлов воситалари билан ҳаракатта келтириладиган ўйин автоматлари каби товарлар мавжуд.



Нурбек САЛОМОВ,
Давлат божхона кўмитаси раиси маслаҳатчиси, бошқарма бошлиғи:

— Фуқароларнинг чекланган меъёрлардан ортиқ товар олиб ўтиш ҳоллари кўп кузатилади. Маълумки, ҳар бир товарнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси коди мавжуд. Буни аниқлаб, бу бўйича ҳар бир маҳсулотга ёки буюмга солиқларни ҳисоблаш кўп вақт ва меҳнатни талаб қилар эди. Ягона божхона тўлови жорий этишдан кўзланган асосий мақсад ортиқча оврагарчиликни олдини олишдир. Шунингдек, божхона ходимларининг ишини енгиллаштириб, уларни бошқа мақсадли фаолиятга ҳам жалб этиш ҳисобланади.

2018 йил 1 январдан республикадаги барча халқаро аэропортларда яшил йўлак, қизил йўлаклар ишга туширилди ва айтиш мумкинки, ҳозирда фуқароларимизнинг 90 фоизи айнан мана шу яшил йўлаклар орқали ҳаракатланапти. 2021 йилда худди шу тартиб чегара божхона постларида ҳам ўрнатилади. Яъни, 2021 йил 1 январдан чекланган миқдордан ортиқ юки бўлмаса фуқаролар божхона постларидаги яшил йўлаклардан ўтишлари мумкин бўлади. Нима учун буни айтаяпман, ижтимоий тармоқларда бу масала кўп муҳомада қилинди. “Аэропортдан келганда ҳам демек, товар нархи 300 доллардан ошганда бож тўланар экан-да”, деган янглиш фикрлар айтилди. Аслида бундай эмас, маълумки, халқаро аэропортлардан товарларни божсиз олиб кириш меъёри 2000 АҚШ долларини ташкил этади. Темир йўл, дарё транспортти орқали олиб килинганда 1000 АҚШ доллари, автомобиль чегара пунктлари орқали ўтказиб келинганда эса 300 АҚШ доллардан ошган қисмига божхона тўловлари ундирилади. Содда қилиб тушунтираман, айтилик, фуқаро 350 АҚШ доллари миқдоридagi товар олиб кирапти. 300 долларлик маҳсулотини, демек, божсиз олиб кириши мумкин, фақат 50 долларига 30 фоизлик миқдорда ягона божхона тўловини тўлайди.

Бу тартиб нархларнинг ошишига ва контрабанданинг ривожига таъсир этмайди

Божхона ходими ягона божхона тўлови ставкасининг белгиланиши нархларнинг ошишига таъсир кўрсатмаслигини таъкидлади. Сабаби, авваламбор, бу тартиб тадбиркорлик субъектларига тегишли эмас. Иккинчидан, ҳозирги тартиб бўйича ҳам божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ставкаларининг йиғиндиси ҳаммаси қўшилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун 27 фоизни, нооziқ-овқат маҳсулотлари учун 34 фоизни ташкил қилади. Ягона божхона тўлови ставкасида худди шу тўловларнинг ўртача миқдори, яъни 30 фоиз ҳисобланган. Мутахассиснинг айтишича, бу ерда мақсад божхона тўловларини ошириш эмас, фақатгина тартибга солишдир.

Бундан ташқари, илгари фуқаролардан олиб келинаётган маҳсулотининг қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани ҳақидаги ҳужжати талаб қилинган. Агар бундай ҳужжат бўлмаса икки баравар бож ундирилган. Янги тартиб бўйича эса бундай ҳужжат талаб қилинмайди, фақат ягона божхона тўлови тўлайди, холос. Демак, буни фуқароларга яна бир енгиллик, деб ҳисоблаш мумкин.

Хусусий туғуруқхоналар очилади

“Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди.

Қарор билан хусусий тиббиёт муассасалари учун туғуруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланишга рухсат берилди. Бунда, туғуруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланишга фақат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Хавфсиз оналик” стратегияси талабларига риоя этилишини таъминлай оладиган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган хусусий тиббиёт муассасаларига рухсат этилади.

Қарорга кўра, 2020 йил 1 мартга қадар соғлиқни сақлаш ва ФХДЁ органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастури такомиллаштирилади. 2020 йил 1 июлдан бошлаб Электрон маълумотлар алмашинуви дастури барча туғуруқни қабул қилиш муассасаларида юритилиши мажбурий ҳисобланади.

Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ҳамда кўламини янада кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши ташкил этилиши белгиланди. Кенгашнинг асосий вазифаси аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш бўлади.



Наим ҲАМПОЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими:

— Мазкур Қарорда асосан репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар, болалар учун замонавий ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу Қарор билан Вазирлар

Маҳкамаси ҳузурида Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши ташкил этилиши оналар ва болаларнинг саломатлигини асрашда муҳим ҳодиса бўлди. Бу кенгаш аҳоли, энг аввало, ёшлар орасида тиббиёт ва таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, ўсимлар, айниқса, ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боради. Бундан ташқари, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизими муассасалари фаолиятини чуқур таҳлил қилади, ушбу йўналишда тегишли вазирлик ва идораларнинг ишини мувофиқлаштириб, оналар ва болалар касалланиши ҳамда ўлимини камайтириш бўйича таъсирчан механизмларни ўз ичига олган чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

- Қарор билан Республика ихтисослаштирилган болалар хирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази;
- Республика болалар тиббий реабилитация маркази;
- Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида Ёрдмчи репродуктив технологиялар маркази;
- туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида, болалар анестезиология-реанимация ва интенсив терапия бўлимлари ҳамда бемор болаларга туну кун шилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи навбатчи шифокор постлари ҳам ташкил қилинди. Ушбу марказ ва бўлимларнинг асосий вазифалари ҳам белгиланди. Масалан, Реабилитация марказининг асосий вазифаларидан бири 18 ёшгача бўлган бемор болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек, саломатлигини реабилитация қилиш орқали даволаш, ногиронликнинг олдини олишдан иборат.

ЮРИСКОНСУЛЬТГА УСТАМА ТЎЛАНДИ

НАМАНГАН шаҳар адлия бўлими томонидан Наманган шаҳридаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига мартаба даражалари учун қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдорларини тўлаш амалиёти ўрганилди.

Аниқланишича, Наманган шаҳар халқ таълими бўлими юрисконсулти 2019 йил 10 май куни Адлия вазирининг 292-шт-сонли буйруғига асосан 3-даражали юрист мартаба даражасини олган ҳамда бу тўғрисида Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 16 май куни шаҳар халқ таълими бўлимига юрисконсултига мартаба даража берилгани ҳамда мартаба даража учун ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаб борилиши таъкидланган.

Халқ таълими бўлими томонидан мазкур мартаба даража учун 2019 йил июнь-июль ойларида 303 912 сўм (лавозим маошининг 15 фоизи миқдориди) қўшимча ҳақ тўланган. Аммо мазкур ҳолатда халқ таълими бўлими юрискон-

султи 3-даражали юрист мартаба даражасини 2019 йил 10 май куни олган бўлса-да, халқ таълими бўлими томонидан мазкур мартаба даража учун май ойидан эмас, балки июнь ойидан бошлаб қўшимча ҳақ тўланган. Натижада, бўлим юрисконсултига май ойи учун мартаба даражасига қўшимча ҳақ тўланмаган.

Қолаверса, ўрганиш давомида халқ таълими бўлими юрисконсултига кўп йиллик хизмати учун устама тўланмаётганлиги ҳам аниқланди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорининг 3-иловасида 3-даражали юрист мартаба даражасини олган давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимининг мартаба даражаси учун лавозим маошига нисбатан 15 фоиз миқдориди ҳар ой қўшимча ҳақ тўланиши, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қил-

ганлиги учун иш стажига 2 йилдан 5 йилгача бўлганда лавозим маошига нисбатан 5 фоиз миқдориди, 5 йилдан 10 йилгача бўлганда лавозим маошига нисбатан 10 фоиз миқдориди ҳар ойлик устамалар тўланиши, мазкур қарор талаблари давлат органлари ва ташкилотлари учун мажбурий эканлиги белгиланган.

Шу сабабли халқ таълими бўлимига юқоридида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Тақдимнома адлия бўлими ходимлари иштирокида халқ таълими бўлимида муҳокама қилинди.

Юрисконсултига жорий йилнинг май ойи учун лавозим маошининг 15 фоизи миқдориди қўшимча ҳақ ҳамда кўп йиллик хизмати учун тўланиши лозим бўлган устаманинг тўланмаган даврлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, тўлаб бериладиган бўлди.

Муроджон РАҲМОНОВ,
Наманган шаҳар адлия бўлими бошлиғи

СОЛИК ТЎЛАШДА КИМЛАРГА ИМТИЁЗ БОР?

— **НОГИРОНЛИГИ** бўлган шахслар солиқдан озод қилинадими?

Л.САЛИМОВА,
Навоий шаҳри

— I ва II-гuruh ногиронлари мол-мулк, ер, ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди даромадлар бўйича даромад солиғидан озод қилинган.

Ногиронлик бўйича I ва II-гuruhдаги пенсия олувчилар пенсия таъминотида оид қўшимча имтиёзларга ҳам эга.

Қонунчиликда шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашга оид нормалар ҳам мавжуд. Бу нормага кўра, ходимлар сони йигирма нафардан ортиқ бўлган корхона ва ташкилотларда ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдориди иш жойларининг энг кам сони тегишли ҳокимлик қарорига асосан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун захирада ушлаб турилади.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалари бўйича таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган имтиёзли шахслар рўйхатига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг Президентимиз Фармон ва қарорларини бажариш мақсадида жорий йилнинг 11 октябрида қабул қилган буйруғига асосан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхати тасдиқланди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 мартдаги қарори билан пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга ижтимоий нафақа тўлаш тартиби белгиланди. Болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга нафақа улар 55 ёшга етганларида тайинланади.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Бекзоджон ИСКАНДАРОВ жавоб берди.

Ёш болали аёл ишга олинмади

ШАЙХОНТОХУР туманида яшовчи "Тошиссиққувват" давлат унитар корхонасида ишлаган фуқаро И.Алимухамедова икки ёшгача бола парваришlash таътилида бўлган. Лекин у муддатидан олдин ўз хизмат лавозимига қайтишни сўраб иш берувчига мурожаат қилган. Иш жойидан эса унга муддатидан олдин ишга чиқиши мумкин эмаслигини айтиб, рад жавоби берилган.



И.Алимухамедова бундан норози бўлиб, хизмат лавозимига қайтишида туман адлия бўлимидан ёрдам сўради. Меҳнат кодексининг 234-мод-

дасига мувофиқ, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, аёлга унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ва ҳоказо имтиёзлар берилган.

Шу билан бирга, аёл ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки

иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкинлиги, бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари (ушбу модданинг биринчи қисми) сақланиб қолиши белгиланган.

Шу боис фуқаро И.Алимухамедованинг аризасига асосан "Тошиссиққувват" давлат унитар корхонасида адлия бўлими тақдимнома киритди. Шундан кейин корхонанинг тегишли буйруғи қабул қилинди. Энди И.Алимухамедова бола парваришlash таътилидан муддатидан олдин ишга қайтиши ҳамда фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар нафақа олиш мумкин.

Мирсамад ЯКУБОВ,
Шайхонтохур туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ШАХСИЙ ҚАБУЛДАГИ МУРОЖААТ

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими бошлиғининг шахсий қабули давомида Термиз туман "Тулбаҳор" маҳалласида яшовчи Тўраева Улгуз Худайбердиевна 1997 йил 12 февраль куни туғилган қиз фарзандининг туғилганлик фактини белгилаб беришда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат этди.

Термиз туман адлия бўлими мурожаат юзасидан тўпланган ҳужжатларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, 2019 йил 14 август куни фуқаро У.Тўраеванинг қизи Ф.Шобердиевнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритди. Ушбу даъво ариза фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига кўриб чиқилиб, фуқаро Ф.Шобердиевнинг У.Тўраевадан туғилганлик факти белгиланди ва Термиз туман ФХДБ бўлими томонидан Ф.Шобердиевага туғилганлик гувоҳномаси 2019 йил 16 октябрь куни қайд этилиб, унинг ҳуқуқи тўлиқ тикланди.

Термиз туман адлия бўлими томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш борасидаги ишлар давом этаяпти.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

ИШДАН БЎШАТИЛГАН ХОДИМЛАРГА КОМПЕНСАЦИЯ ЗАРУР

АНДИЖОН вилоят Жалакудук туман адлия бўлимига тумандаги Ижтимоий иқтисодиёт коллежининг бир гуруҳ ўқитувчилари коллеж раҳбарияти томонидан компенсация пуллари тўланмаганлигидан норози бўлиб мурожаат қилишди.

Туман адлия бўлими томонидан мурожаат соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ўрганилганида, Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йилнинг 1 июнида Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, коллеж тугатилаётганлиги сабабли 2019 йил 26 августдан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида ходимлар огоҳлантирилган. Аммо коллеж директорининг 31 августдаги тегишли буйруғига асосан ишдан бўшатирилган 14 нафар ходимга Меҳнат кодексининг 102-моддасига кўра, 30 миллион 440 минг сўм компенсация пуллари тўланмаганлиги аниқланди.

Бу бўйича туман адлия бўлими томонидан қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш учун тақдимнома ҳамда ходимлар манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига даъво аризалири киритилди.

Жорий йилнинг 28 октябрь куни чиқарилган суд буйруқларига асосан ходимларга 30 миллион 440 минг сўм компенсация пуллари тўлаб берилди.

Дилшод ЮЛДАШЕВ,
Жалакудук туман адлия бўлими бошлиғи в.б

Сўнгги йилларда Каттақўрғон шаҳри қиёфаси тубдан ўзгарди. Саноати ривожланди, ободончилик, бунёдкорлик, қурилиш ишлари кўлами кенгайди. Хориж инвестициялари киритилди. Қўшма корхоналар ташкил этилиб, йирик саноат корхоналари фаолияти қайта йўлга қўйилди. Энг муҳими, минглаб одамлар ишли бўлди. Бошқача айтганда, бугун Каттақўрғонда юртимизда бошланган ислохотларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш борасида қизгин ишлар олиб борилмоқда. Бундан атиги икки-уч йил олдин бу ерга келган киши бугун шаҳарни танимайди. Сабаби, бу сўлим воҳа кундан-кунга кўркاملлашиб, чирой очмоқда.

— Юртбошимизнинг вилоятимизга таширифи доирасида шахримизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бора-

ишламokban. Ўтган давр мобайнида шаҳарда қирқдан зиёд янги корхоналар ташкил этилди. Масалан, кўп йиллардан бўён фаолият кўрсатмаётган “Цвета Востока” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси қайта тикланиб, бугун у ерда лаб бўёги ва қадқолганган ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, мустақиллик байрами арафасида “PUKANG SHIAVAO” масъулияти чекланган жамияти томонидан макжаҳуридан доривор ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, икки миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилиб, корхона ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, “Сутни қайта ишлаш” агро фермаси MAP кредит линияси орқали бир миллион АҚШ доллари миқдорда хориж инвестициялари киритилиб, янги ускуна-

сини амалга ошириш учун 300 минг АҚШ доллари, “Classic Motor Power” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси томонидан дизель ёқилғисини ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 480 минг АҚШ доллари киритилди.

Президентимизнинг “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳардаги “Гарбмачит”, “Гўзалкент” Ингичка кўрғонидagi Каттақўрғон маҳаллаларида ободонлаштириш, қурилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Обод маҳалла дастурига асосан 2019 йилда ушбу маҳаллаларда давлат дастури асосида 5 километрдан зиёд ирригация ти-

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўлидаги нотариус

- лавозимлари таъин ўтказишни эълон қилди
- Адлия вилояти
 - Андижон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Андижон шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Андижон шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Олтинтўпуш туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Жалалқуд туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Кўрғонтепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Урали туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Балқич туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Марҳат туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Бухоро вилояти
 - Олоп туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Жидду туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Жиззах вилояти
 - Галларкент туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Зомин туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Мирзачўй туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Жиззах шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қашқадарё вилояти
 - Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қосон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қасби туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қамаш туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 14-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 15-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 16-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 18-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 20-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 21-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 22-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 23-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 24-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 25-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 26-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 27-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 28-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 29-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 30-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 31-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 32-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 33-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 34-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 35-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 36-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 37-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 38-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 39-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 40-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 41-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 42-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 43-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 44-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 45-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 46-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 47-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 48-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 49-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 50-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 51-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 52-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 53-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 54-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 55-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 56-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 57-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 58-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 59-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 60-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 61-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 62-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 63-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 64-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 65-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 66-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 67-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 68-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 69-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 70-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 71-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 72-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 73-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 74-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 75-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 76-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 77-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 78-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 79-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 80-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 81-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 82-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 83-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 84-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 85-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 86-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 87-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 88-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 89-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 90-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 91-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 92-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 93-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 94-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 95-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 96-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 97-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 98-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 99-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
 - Қарши шаҳар 100-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фаровонлик сари ТАШЛАНАЁТГАН ОДИМЛАР

КАТТАҚЎРҒОН шаҳри азалдан илм-фан, маданияти ривожланган кўна ва тарихий шаҳар саналган. Бу ердан кўплаб маърифат соҳиблари, олим ва шоирлар, алломалар, санъат намояндalари етишиб чиққан.



лар билан жиҳозланди ва бугун ушбу корхонада маргарин, пишлоқ, йогурт ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳримизда давлат дастури доирасида 2019-2020 йилларда 23 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилдишди лозим. Бугун эса 9 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилиши натижасида юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Йил охиригача яна етти та лойиҳа ишга тушади. 2020 йилда инвестиция борасида режалаштирилган 23 та лойиҳа мuddатидан олдин ишга тушади ва бугун бу борада амалий ва ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Янги йилдаги режалар борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, “Noogy Kurgan” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонаси томонидан замонавий мейхона ва кўп қаватли уй-жой қуриш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 50 минг АҚШ доллари миқдорда маблағ киритилиб, бугун бу борада иш бошлаб юборилди. Шунингдек, “GREENLAND TRADING COMPANY” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси томонидан “Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган миниагротехника воситалари ишлаб чиқиш лойиҳасини амалга ошириш учун 400 минг АҚШ доллари миқдорда асбоб-ускуналар олиб келиниб, бу борада ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. “Innovation Investor Gold 7777” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонаси томонидан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш” лойиҳаси амалга ошириш учун 400 минг АҚШ доллари миқдорда асбоб-ускуналар олиб келиниб, бу борада ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. “Innovation Investor Gold 7777” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонаси томонидан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш” лойиҳаси амалга ошириш учун 400 минг АҚШ доллари миқдорда асбоб-ускуналар олиб келиниб, бу борада ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда.

зими қарийб 6 километр сув тармоғи, 4 километрга яқин газ тармоғи, 300 дан ортиқ замонавий чироклар ўрнатилди. Бугун ҳам бу борада ишлар давом этмоқда.

Бугун шаҳар аҳолисининг мароқли дам олишини ташкиллаштириш мақсадида Алишер Навоий номли истироҳат боғида кенг кўламли ишлар бажарилди. Шаҳарнинг Амир Темур кўчасида “Биллур Баракка” масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий дизайн бўйича аквапарк ишга туширилди.

— Президентимизнинг мамлакатимиз ободлиги йўлида бошланган ўзгаришлари бутун дунё эътиборини тортмоқда, — дейди кекса журналист Абдуазиз Хошимов. — Бугунги бўлаётган ўзгаришларни қўриб киши кўзи қувонади. Марказий шаҳарларни кўя туринг, олиш қишлоқларда ҳам ҳаёт мўлақо ўзгача. Ободлик, кўркамлик, қурилиш ишлари авжида. Очгини, биз кексалар қисқа фурсатда мамлакатимизда бундай бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширишга кўзимиз етмаганди. Биргина мисол, 50-йилларда қурилган “Дўстлик” маҳалласида кўп қаватли уйлар эскириб, вайронага айланганди. Бу ерда, очини, ялашининг имкони йўқ эди. Одамлар қийин аҳволда кун кечирар эди. Обод маҳалла дастури асосида бу маҳаллага қайта ҳаёт бахш этилди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, одамларни рози қилиш тўғриси билан иш олиб бормоқда. Каттақўрғонликлар ҳам ана шу мезондан келиб чиқиб, фаровонлик сари дадил интиломоқда.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

сидаги таклиф ва маслаҳатлари асосида ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Каттақўрғон шаҳар ҳокими Музаффар Хошимов. — Ўтган қисқа давр мобайнида шаҳарда қўшма корхоналар ташкил этиш, чет эл инвестицияларини олиб кириш, экспорт салоҳиятини ошириш, ишсизлик даражасини қисқартириш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш, шаҳар маҳаллий бюджет даромадларини базасини кенгайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, шаҳар худудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Каттақўрғон азалдан саноат шаҳри ҳисобланганлиги эътиборга олиниб, худудда замонавий ускуналардан юқори қийматта эга махсулот ишлаб чиқариш, корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, шунингдек, янги замонавий хизмат ва сервис шохобчаларини ташкил этиш, хусусийлаштирилган йирик корхоналар мулкдорларини мулкдан самарали фойдаланишга жалб қилиш, шаҳар бюджети даромадларининг ҳажмини ошириш, тушган маблағларни худуд иқтисодиёти фаровонлиги йўлида сарфлашга эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида “Ўзбекистон — Хитой” қўшма корхонаси махсулотлари ҳисобланган икки ва уч гилдиракли мотороллер ҳамда уларнинг эҳтиёт ва бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилиб, чет давлатларга экспорт қилаялмиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой “Metal Solution Technologies” қўшма корхонаси ташкил этилиб, бу ерда юқори қийматта эга бўлган шарикли винтерлар ва латум фитинглар ишлаб чиқарилмоқда. Бу махсулотлар ҳам республикамиз вилоятлари ва хорижга сотилмоқда. Бугун бу корхонада икки юздан зиёд ишчи



ИНСОН ВА ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjustuz

ISSN 2030-7877

15720307878008

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалпирович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилиниши ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Ёрбек Искандаров

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терида ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа иқдодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ўза суратларидан фойдаланилди.

БОШЛАБ 2 ОЙ МОбАЙНИДА ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат ҳокимияти маркази томонидан 21.02.2019 йилда 754997 ренстр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “STAMFORD STEEL” масъулияти чекланган жамияти (СТМР) 306 662 747 талқинномаси билан 2019 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мობайнида қабул қилди.

Тел.: (97) 411-48-11.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат ҳокимияти маркази томонидан 09.02.2019 йилда 757187 ренстр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “ЕКО TASHKENT-KAZ AGRO DEUTSCH” масъулияти чекланган жамияти (СТМР) 305 263 108 талқинномаси билан 2019 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мობайнида қабул қилди.

Тел.: (90) 914-00-43.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат ҳокимияти маркази томонидан 04.07.2019 йилда 740062 ренстр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “OLGA YOL” масъулияти чекланган жамияти (СТМР) 306 556 008 талқинномаси билан 2019 йил 11 ноябрдаги 1-сон йиллик қарорига асосан тугатилди.

Давлатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мობайнида қабул қилди.

Тел.: (90) 914-00-43.

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

ДАРОМАД СОЛИГИ НЕГА ҚАЙТАРИЛДИ?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан жорий йилнинг 7 ноябрь куни 2019 йилда давлат бюджетига тушумлар прогнози ижросини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жойларда янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш бўйича кўрилатган чоралар самарадорлиги ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор йилигиши бўлиб ўтган эди. Унда ҳокимлар 50 фоиз иш вақтини янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш ва ишлаётган тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишга сарфлаши лозимлиги таъкидланиб, жуда кўп раҳбарлар бунга бепарқлик ва масъулиятсизлик билан қараб келаётганини кескин танқид қилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳуСУСИДА ҳокимларга қатор тавсия ва топшириқлар берилди.



Ҳақиқатан, фаолиятимиз давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган мурожаатларини кўриб чиқишда туман миқёсидаги раҳбарлар тадбиркор муаммосини чуқур ўрганмасдан, жавоб хатлари беришлари натижасида тадбиркорларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан "BAKTRIYA TRANS" МЧЖнинг Мирзо Улуғбек туман ДСИ ходимларининг ҳатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, "BAKTRIYA TRANS" МЧЖ томонидан ижара шартномаси асосида жисмоний шахслардан автомобилларни шартнома асосида ижарага олиб, тўлов суммасини Солиқ кодексининг 184-моддаси талаблари доирасида жисмоний шахс (ижарага берувчи)ларнинг аризаларига асосан даромад солигини ушламаган ҳолда тўлик тўлаб берганлиги учун даромад солиги жисмоний шахслар томонидан декларация асосида тўланганлиги тўғрисида Мирзо Улуғбек туман ДСМга 2019 йил 12 сентябрда 23-сонли маълумот тақдим қилган бўлса-да, ДСИ томонидан жисмоний шахслар даромад солиғи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олиб ўрганилмасдан ва Солиқ кодексининг 70-моддаси тартибида талабнома бермасдан, МЧЖнинг шахсий ҳисоб рақамидан инкасса топшириқномаси асосида 2019 йил 29 сентябрда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи учун 6.693.200 сўм солиқ тўлови ундириб олинган.

Вакил девони ходимлари мурожаатни ўрганиш жараёнида, Мирзо Улуғбек туман ДСИ ходими томонидан берилган тушунтиришда ҳамда автотранспорт воситаларини ижарага берган жисмоний шахслар томонидан даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга асосан "BAKTRIYA TRANS" МЧЖ ҳисобидан ундирилган 6.693.200 сўм даромад солиғи жамиятга қайтариб берилди.

Элдор ТОШХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи етакчи инспектори

АДЛИЯ вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза асосидаги "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори ижроси бўйича матбуот анжумани ҳамда медиатур ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси экспертлик фаолияти ҳисобланиб, кундан-кунга талаб ошиб бораётган экспертлар қаторида суд-қурилиш-техник ва ер экспертизалари, одам ДНКси суд биологик экспертизаси, товаршунослик экспертизаси каби турларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.



СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИДА МЕДИАТУР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Лаборатория 14 нафар турли хилдаги касб эгалари кимёгар, физик, биолог, фармацевт ва муҳандис-технологлардан ташкил тоналган. Улар экспертизанинг талаби материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, лок-бўёқ материаллари ва лок-бўёқ қопламалари экспертизаси, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизаси, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва кучли таъсир қилувчи дори препаратлари экспертизаси, таркибида спирт бўлган суюқликлар экспертизаси, суд тупроқшунослик экспертизаси, металлургия, қотишмалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар экспертизаси, суд биология экспертизаси, бошқа тур объектида экспертизаси ҳамда суд экология экспертизаси бўйича экспертизалар ва илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Акрам ХАЛИЛОВ,
Адлиа вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директори:

— Президентимиз томонидан жорий йил 17 январда қабул қилинган "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ амалиётда илк бор нодавлат ташиқлотлар томонидан суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Унга кўра, нодавлат суд-экспертиза ташиқлотларига суд экспертизаларининг 44 та турини ўтказиш ҳуқуқи берилди. Қарорга асосан моддий-техника базани модернизация қилиш ва замонавий лаборатор ускуналар билан жиҳозлаш учун 3 миллион 326 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилди.

Материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик экспертизаси (МАБКЭ) лабораторияси 1972 йилда ташкил қи-

линган бўлиб, дастлаб лабораторияга кимё фанлари номзоди Ева Яковлевна Венгерская бошчилик қилган ва лабораторияда жами 8 нафар ходим фаолият кўрсатган. Лабораториямиз Leica, Agilent Technologies Thermo scientific каби чет эл фирмаларининг замонавий юқори сезувчанликка эга аналитик ускуналари билан таъминланган. Ҳозирда коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан Марказда амалга ошириладиган экспертиза тадқиқотлари бўйича бошқичма-бошқич шифрлаш тартибини жорий қилиш мақсадида экспертиза тадқиқотлари йўналишлари сони кўпайтирилмоқда.

Шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда суд экспертизанинг янги турлари, хусусан суд-психологик экспертизаси, суд-электротехника экспертизаси, озиқ-овқат маҳсулотларининг суд экспертизаси, суд лингвистик экспертизаси, суд автомобиль йўллари экспертизаси ва суд компьютер-техник экспертизаларини жорий қилиш юзасидан илмий-амалий ишлар олиб боришмоқда.

Учкун УЗОҚОВ,
Марказ директорининг экспертлик фаолияти ва илмий ишлар бўйича ўринбосари:

— Марказ нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда нуфузли суд-экспертиза муассасаси ҳисобланиб, бугунги кунда кенг тармоқли марказга айланган ва ҳозир 45 та экспертиза тури мавжуд бўлиб, 60 та мутахассисликлар бўйича суд экспертиза тадқиқотлари ўтказилиб келинмоқда.

Суд экспертиза соҳасининг жаҳонда бугунги кундаги ривожланиш бошқичида асосий эътибор суд экспертиза тадқиқот-



лар сифатини таъминлашга қаратилган. 2017 йилда БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси кўмагида Марказнинг 2 та лабораторияси, яъни Одам ДНКси суд биологик экспертизаси ва Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларини ИСО-17025 стандартига мувофиқ халқаро аккредитациядан ўтказиш ишлари бошланган эди.

Бугунги кунда Марказ ISO 9001:2015 халқаро стандарти талабларига мувофиқ сертификатка эга. Ҳозирга келиб ISO/IEC 17025 халқаро стандарти талаблари бўйича аккредитациядан ўтиш учун талаб этиладиган барча ҳужжатлар буюртма билан биргаликда халқаро аккредитация қилувчи орган мақомига эга бўлган Қозғистон Республикасининг "Миллий аккредитация маркази"га тақдим этилди. 2020 йилнинг бошларида мазкур ташкилот томонидан аккредитациядан олдинги аудит ўтказилиши режалаштирилди.

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

"Адолат"да "Очиқ эшиклар куни"

АДЛИЯ вазирлигининг "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази директори "Очиқ адлия" ("Open Justice") дастури доирасида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди. "Очиқ эшиклар куни"да коллеж, академик лицей ўқувчи ва ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда жисмоний ва юридик шахслар иштирок этди.

Бугунги кунда Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — lex.uz да 75 913 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлиб, улардан жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиб келмоқда. Утган ҳафта давомида www.lex.uz фойдаланувчилар сони бўйича www.uz статистик рейтингини умумий рўйхатида 14-ўринда, маълумот берувчи сайтлар рўйхатида 2-ўринда, қонун ва ҳуқуқ йўналишида 1-ўринда сараланган. Сайтининг доимий кирувчилар сони бир кунда тахминан 25-32 минг нафарини, кўришлар сони эса 130-144 мингтани ташкил этмоқда.



Алиjon ОЧИЛОВ,
"Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази директори:

— Марказимизда ва унинг 8 та бўлимида 47 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда www.lex.uz ни бугун дунёдан туриб фаол кузатишмоқда. Сайтдаги қонун ҳужжатлари нафақат давлат тилида (27 099 та), балки рус (26 407 та), инглиз (73 та) ва қорақалпоқ (234 та) тилларида ҳам эълон қилинмоқда. Фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун унинг "android" ва "ios" мобил илова шакллари амалиётга жорий этилган.

Бугунгача "Адолат" нашр белгиси билан мамлакатимизда қонун ижоддорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида 900 га яқин номда қарий 10 миллион нусха адабиётлар нашр этилиб, аҳолига етказилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, қонунари, уларга шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий даврий нашрлари, ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларига оид илмий, илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик, ўқув қўлланмалари, бадий-детектив китоблар бор.



Шерзод АБДУЛЛАЕВ,
"Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази катта маслаҳатчиси:

— Lex.uz сайтининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш манбаи ҳисобланади. Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсад ана шу ҳужжатларни фуқароларга етказишда айнан марказимиз етакчи ўринда эканлигини тушунтириб, улар учун доимо эшикларимиз очиқ эканлигини, шунингдек, уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишларини таъминлашдан иборат. Марказимиз ҳуқуқий ҳужжатларни электрон шаклда етказишдан ташқари юридик адабиётларни нашр этиш билан ҳам шугулланади. Бугунги кунда 80 мингдан ортиқ юридик адабиётлар чоп этилиб, сотилганлигини айтишимиз мумкин.



Бозорхўжа РАУПОВ,
2-Тошкент юридик коллежи ўқувчиси:

— Биз бугун "Адолат" ҳуқуқий ахборот марказида ўзимиз учун керакли бўлган ҳуқуқий Lex.uz сайти ҳақида бир қанча маълумотларга эга бўлдик. Ҳуқуқий адабиётлар билан танишиш биз бўлажак юристлар учун жуда муҳим. Айниқса, ҳуқуқий адабиёт муаллифлари ва уларни тайёрлаб, нашрга узатувчи масъуллар билан жонли мулоқот барчамизда катта таассурот уйғотди.

Латофат ЮСУБОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири